

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

«Фалсафа» кафедраси

“Онтология”- Борлиқ фалсафаси

(ФАЛСАФА ФАНИДАН ЎҚУВ-УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА)



САМАРҚАНД – 2012

Чоп этишга

“РУХСАТ БЕРАМАН”

СамДАҚИ ўқув ишлари
Проректори проф.Соатов У.А.

“ ____ ” _____ 2012й

«ТАСДИҚЛАНДИ»

СамДАҚИ илмий- услубий

кенгаш мажлис баёни №

Протокол № _____ 2012й

Аннотация

Мазкур ўқув-услубий қўлланма бакалавр таълим йўналиши 2- босқич талабалари учун мўлжалланган бўлиб, унда замонавий педагогик технологиялар асосида тузилган маъруза матни, мавзу бўйича кўриб чиқилиши зарур бўлган муаммолар, назорат саволлари, мустақил иш мавзулари, изохли атамалар руйхати ҳамда дарс самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган турли - хил методлар келтирилган.

Тузувчи :

Қўлдашев А

Масъул муҳаррир:

доц.Сафаров А

Такризчилар:

доц.Норов С

доц.Мухаммадиев А

Ушбу услубий қўлланма фалсафа кафедраси илмий -услубий семинарида муҳокама қилиниб чоп этишга тавсия этилган.

Баённама № _____ “ ____ ” _____ 2012й

“Дунёни англаш, ҳаёт ва жамият қонуниятларини ҳар томонлама идрок этиш, ер юзидаги турли халқлар ва миллатлар дунёқараши, ғояси, маслак-муддаоларини билиш, учун ҳам фалсафа фанини кенг ва атрофлича ўрганиш даркор”

И.А.Каримов

КИРИШ

Мустақилликнинг тараққиёт йўли мамлакатимизда фан ривожини учун кенг имкониятлар яратди. Фаннинг барча соҳаларидаги каби фалсафада ҳам туб ўзгаришлар содир бўлди. Зеро, энг қадимий ривожланиш тарихига эга бўлган фалсафа ўзида турли даврларнинг онтологик, гносеологик, ижтимоий-сиёсий қарашларини мужассамлаштириб, воқеа ва ходисаларнинг моҳиятини англашни, нафақат англаш, балки уларга ижодий муносабат билдиришни шакллантиради. Мадомики, шундай экан, бугунги кунда фалсафани янада ривожлантириш, ёш авлодни фалсафий дунёқараш, замонавий фан ютуқларига асосланган фалсафий билимлар билан қуроллантириш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, ҳозирги мураккаб динамик ривожланувчи дунёда ижтимоий янгиланиш, умуминсоний ва глобал муаммоларни яхлит эгаллаш имкониятига эга бўлган янги тафаккурнинг қарор топиши учун фалсафий билишнинг роли ортиб бормоқда. Бугунги кунда фалсафий тафаккурнинг янгиланиши нафақат умумий маънавий муҳитнинг, балки ҳар бир жамият аъзосининг ижтимоий қиёфаси, рухий дунёси, мақсад ва эҳтиёжларининг ўзгариши ҳамдир.

Фалсафа фани Ўзбекистон халқининг тарихий мақсадларини англашга ёрдам берадиган, эркин ва фаровон ҳаётга эришиш йўлларини ва шарт-шароитларини кўрсатиб берадиган ана шундай эзгу мақсадлар йўлида халқимиз куч-ғайратини сафарбар этадиган кучли омидир. Шунинг учун ҳам уни ўрганиш, билиш муҳим аҳамиятга эга.

Фалсафа фанини ўрганиш туфайли Ўзбекистон халқининг ғояларини маданияти, тарихи, миллий ўзига хослигини, маънавий-маданий меросини, бугунги кундаги мақсадини англаш мумкин. Бу ўз фуқаролик бурчини чуқур англаб етган, ватанпарварлик туйғусини қалбида мудом асраб юрган, миллий мустақиллигимизни ривожлантиришга астойдил бел боғлаган ҳар бир фуқаронинг тарихий бурчидир.

Ушбу ўқув-услубий қўлланма амалдаги дастур асосида тайёрланиб, унда замонавий педогогик технологиялар тизимида суянган ҳолда дарс бериш мақсади ва дарс ўтиш самардорлигини оширишга хизмат қиладиган турли хил методлар, назорат саволлари, мустақил ишлаш учун мавзулар ҳамда изохли атамалар руйхати келтирилган.

Мавзу, кўриладиган масалалар ва вақт.

№	Мавзу номи	Мавзунинг мазмуни	Маъру за	Амал. маш.
1	“ОНТОЛОГИЯ” - Борлиқ фалсафаси	1. Онтология тушунчаси. Борлиқ ва йўқлик категорияси. Борлиқнинг тузулиши. Борлиқнинг шакллари ва уларнинг намоён бўлиш хусусиятлари. 2. Субстанция муаммоси. Субстанция ва субстрат тушунчаси. 3. Материя шакллариининг турли-туманлиги. Материянинг ташкил топиш даражалари. Органик, ноорганик ва ижтимоий тизимлар. Дунёнинг яхлитлиги ва ранг-баранглиги. 4. Ҳаракат тушунчаси. Фалсафа тарихида ҳаракатнинг талқини. Ҳаракат типлари. Ҳаракат шакллари. Ҳаракатнинг абадийлиги. Нарсанинг сифатини сақлаш билан боғлиқ ҳаракат нарса сифатини ўзгартирувчи ҳаракат.Фазо ва вақт тушунчаси.	2	2

Мавзу: “Онтология” Борлиқ фалсафаси

Мавзуга оид асосий саволлар:

1. Борлиқ муаммосининг фалсафий мазмуни. Борлиқ категорияси.
2. Фалсафада субстанция муаммоси.
3. Материя ва унинг мавжудлик шакллари.
4. Ҳаракат ва унинг шакллари, таъйинлари .

1-саволнинг баёни: Борлиқ фалсафий категория бўлиб, оламдаги турли-туманликни хилма-хил кўринишда ва ўзаро боғлиқликда эканлигини акс эттиради. Шу нуқтаи-назардан борлиқ тушунчаси моддийлик, ижтимоийлик ва маънавийлик ўртасидаги умумийлик ва ўзаро алоқадорликни очиб беради. Борлиқ – бу табиат, жамият ва инсоннинг реал ҳолати ва келажагидир.

Файласуфлар қадим замонлардан буён "борлиқ," ва "йўқлик" ҳақида баҳс юритишган. Улар борлиқнинг вужудга келиши, моҳияти, хусусиятлари ва шакллари ҳақида кўплаб асарлар ёзишган. Хуш, борлиқ нима? Бу савол бир қарашда жуда оддий кўрингани билан унга шу чокгача барча кишиларни бирдай қаноатлантирадиган жавоб топилгани йўқ. Бу ҳолат борлиққа турлича нуқтаи назарлардан қарашларнинг мавжудлиги билан изоҳланади. Масалан, айрим файласуфлар борлиқни моддийлик, моддий жисмлар билан боғлаб тушунтиришади. Уларнинг нуқтаи назарларича, борлиқ — объектив реалликнигина қамраб олувчи тушунчадир. У ҳолда фикр, инсон тафаккури, уй-хаёлларимиз борлиқ, тушунчасидан четда қолар эканда, деган саволга улар, бундай тушунчалар объектив реалликнинг ҳосиласидир, деб жавоб беришади.

Фалсафанинг борлиқ, ҳақидаги таълимотни изоҳлайдиган қисми — **онтология** (юнон.ontos - мавжудлик ва logos - таълимот) деб аталади¹. (Бу тушунчани фалсафада биринчи бор Х. Вольф қўллаган). Олам ва борлиқ масалаларини фалсафа нинг ана шу соҳаси ўрганади.

Йўқлик ҳеч нима демакдир. Ҳамма нарсани ҳеч нарсага айлантирувчи, ҳамма нарсанинг ибтидоси ҳам, интиҳоси ҳам йўқликдир. Бу маънода йўқлик чексизлик, ниҳоясизлик ва мангулик билан бирдир. Йўқлик чекинган жойда борлиқ пайдо бўлади. Демак, борлиқнинг бунёдкори ҳам, кушандаси ҳам йўқликдир. Борлиқ йўқликдан йўқликкача бўлган мавжудликдир. Йўқликни ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди. Фанда йўқлик нима, деган саволга жавоб йўқ.

Демак, борлиқ ва йўқлик диалектик алоқадорликда. Ўтмишдаги борлиқ – бу йўқлик². Борлиқ олам кўринишларининг ҳозирги ҳолатидир. Борлиқ ҳозирдан келажакка йўналган жараёнларни ҳам акс эттиради.

Тарихдан маълумки, файласуфлар борлиқ ҳақида турлича ғояларни илгари суришган. Марказий Осиё тупроғида вужудга келган зардуштийлик таълимотида борлиқ қуёш ва оловнинг ҳосиласидир, алангаланиб турган олов борлиқнинг асосий моҳиятини ташкил этади, деб ҳисобланган. Чунки бу ғоя бўйича, ҳар қандай ўзгариш ва ҳаракатнинг асосида олов ётади ва у борлиққа мавжудлик бахш этади.

Қадимги юнон файласуфи Сукрот борлиқни билим билан қиёслайди ва унингча, бирор нарса, биз уни билсаккина бор бўлади, инсоннинг билими қанча кенг бўлса, у шунча кенг борлиқни қамраб олади, деб ҳисоблайди.

Қадимги дунёнинг атомист олими Демокрит борлиқ атомлар мажмуасидан иборат, деб тушунтирган. Унинг фикрича, борлиқнинг моҳияти унинг мавжудлигидадир. Мавжуд бўлмаган нарса йўқликдир.

¹ Фалсафа энциклопедик лўғат.Т.2010й

² Бугило Н.Ф.,Чумаков А.Н.Философия.М.1998г

Ислом таълимотида борлиқ илоҳий воқелиқдир. Яъни, у Аллоҳ яратган мавжудлиқдир. Бу борада **вахдати вужуд** ва **вахдати мавжуд** таълимотлари бўлган. **Вахдати вужуд** – абадий ягона Аллоҳгина бор деб ҳисобловчи пантеистик таълимот. Бу таълимотга кўра, жисмоний олам, предметлар дунёси ҳақиқий эмас, ҳақиқат фақат Аллоҳда мужассамланган, моддий олам Аллоҳнинг нури, шуъласидир, деб таъкидланади. **Вахдати мавжуд** – Аллоҳ билан бирга ягона моддий олам бор деб ҳисоблайдиган таълимот. Бу таълимот тарафдорлари табиатнинг абадийлигини тан оладилар. Аллоҳ одамнинг ўзида, унга сингиб кетган деб қарайдилар. Вахдати мавжуд вакиллари одам бу дунёдан воз кечмай, тарки дунё қилмай яшашга интилиши керак деган фикрни олға сурдилар.

Ислом динига мансуб мутафаккирлар борлиқ ҳақидаги таълимотни ҳар тарафлама ривожлантирганлар. Масалан, Форобий фикрича, илк борлиқ азалий Оллоҳнинг ўзидир. Беруний фикрича, борлиқ, шундай умумийликки, у ҳамма нарсанинг асосида ётади, демак, борлиқ ҳамма нарсанинг асосидир. Европада ўтган олимлар Давид Юм ва Жорж Беркли борлиқни сезгиларимиз жаммуаси, деб талқин этишган.

Гегел эса борлиқни мавҳумлик, мутлақ руҳнинг намоён бўлиши, деб таърифлайди. Кўпгина натурфалсафий қарашларда борлиқни ҳозирги замон билан, яъни шу актуал оламга боғлаб тушунтирдилар.

Аслида, борлиқ кенг фалсафий тушунча бўлиб ўзига бутун мавжудлиқни, унинг ўтмиши, ҳозир ва келажагини ҳам қамраб олади³. Файласуфлар борлиқни тушунтириш учун йўқлик тушунчасини унга антипод қилиб олишган ва шу асосда борлиқнинг зарурий моҳиятини очишга интилганлар. Материалистик адабиётларда борлиқни объектив реаллик билан, материя билан айнанлаштириб тушунтиришади.

Борлиқ ўзига объектив ва субъектив реаллиқни, мавжуд бўлган ва мавжуд бўладиган оламларни, моддийлик ва маънавийликни, ўтмиш ва келажакни, ўлим ва ҳаётни, руҳ ва жисмни қамраб олувчи умумий тушунчадир.

Атрофимиздаги олам, табиат, жамият, тафаккур, ғоялар, ўй-хаёлларимиз барчаси бирдай мавжуддир, улар турли тарзда ва шаклларда намоён бўлиб, ҳаммаси мавжудлик белгиси остида умумлашиб, борлиқ тушунчасига киради.

Материалистик мазмундаги борлиқ тушунчаси таърифига фақат объектив реал олам, онгдан ташқаридаги, унга боғлиқ бўлмаган жисмоний моҳиятга эга бўлган нарсаларгина киритилади. Борлиқнинг идеал, виртуал, потенциал, абстракт, маънавий шакллари бу таърифдан ташқарида қолади.

Аслида эса, борлиқ категорияси умумий абстракция бўлиб, мавжудлик белгиси билан барча нарса ва ҳодисаларни ўзига қамраб олувчи ўта кенг тушунчадир. У ўзига нафақат объектив реаллиқни, балки субъектив реаллиқни ҳам қамраб олади.

Борлиқ мавжудлик ва реаллик тушунчаларига қараганда ҳам кенгроқ тушунчадир. Мавжудлик — борлиқнинг ҳозирги пайтда намоён бўлиб турган қисми бўлиб, ўтган ва мавжуд бўладиган нарса ва ҳодисалар ҳам борлиқ тушунчасига киради. Реаллик эса, мавжудликнинг ҳаммага аён бўлган, улар томонидан тан олинган қисми.

³ Фалсафа асослари. Т.2005й.131-бет.

Борлиқ ўзига реалликни ҳам, мавжудликни ҳам қамраб олади. Анъанавий фалсафий карашларда борлиқнинг учта соҳаси ажратиб кўрсатилади. Уларга: табиат борлиғи, жамият борлиғи, онг борлиғи киради. Булар учун энг умумий белги, уларнинг мавжудлигидир.

Шунингдек, фалсафий адабиётларда табиат борлиғи ва жамият борлигининг қўйидаги шакллари ҳам фаркланади. Табиат борлиғи одатда табиатдаги нарсалар (жисмлар), жараёнлар, ҳолатлар борлиғи сифатида тушунилади. У иккига бўлинади: азалий табиат борлиғи (ёки табиий табиат борлиғи, у инсондан илгари ва унинг иштирокисиз ҳам мавжуд бўлган) ва одам меҳнати билан ишлаб чиқарилган нарсалар борлиғи ("иккинчи табиат" борлиғи, яъни маданият). Иккинчи табиат борлиғи эса, ўз навбатида, қўйидаги кўринишларда учрайди:

— инсон борлиғи (инсоннинг нарсалар оламидаги борлиғи ва одамнинг ўзига хос бўлган инсоний борлиғи);

— маънавий борлиқ, (индивидуаллашган ва объективлашган маънавий борлиқ);

— социал борлиқ, (айрим одамнинг тарихий жараёндаги борлиғи ва жамият борлиғи) ижтимоий борлиқ деб ҳам аталади.

2-саволнинг баёни: Борлиқни шаклларга ажратишда унинг асосида, мохиятида нималар ётишига эътибор қаратиш лозим. Шу тарика фалсафада субстанция категорияси шаклланган. Субстанция (лотинча субстанция- мохият асосида ётувчи нимадир) муайян нарсалар, воқиялар, ходисалар ва жараёнлар хилма-хиллигининг ички бирлигида намоён бўлувчи мохиятдир⁴. Субстанция дейилганда фалсафада дастлабки пайтларда борлиқ, табиат, жамият, инсон ва дунёдаги барча нарса ва ходисаларнинг асосида ётувчи моддий ёки рухий мохият англаган. Ўрта аср шарқ фалсафаси намоёндалари ал-Киндий, Зақорий Розий, Фаробий, Ибн Сино каби мутафаккирларнинг асарларида субстанция деб ҳамма нарсанинг моддий ёки маънавий асоси мохиятида деб тушуниланган.

Буюк мутафаккир Арастуни талқинича субстанция – мохият сифатида барча категорияларнинг асосидир, борлиқни субстанция тушунчасисиз тушунтириб бериб бўлмайди,- деб таъкидлайди. Арасту “категориялар”да : Бордики, биринчи мохият бўлмаганда, бошқа нарсаларнинг ўзи ҳам бўлмас эди”, деб таъкидлайди.

Биринчи субстанция - мохият, бу-муайян нарсанинг ягона ва бўлинмас, бевосита индивидуал борлигидир. Биринчи мохият ўзгармас, абадий мохиятдир. Бундай мохиятнинг мавжудлиги зарурий ва муқаррардир.

Иккинчи мохият Арасту таъбирича, биринчи мохиятсиз юзага келиши мумкин эмас. Масалан, инсон яқка ва реал тирик мавжудод сифатида биринчи мохиятни ташкил қилади. Иккинчи мохиятнинг вазифаси борлиқнинг умумий тариф ва тафсифисини таъминлашдир. Демак, иккинчи мохият ўз холича мустақил мохиятлар туркумини ташкил қила олмайди, чунки уларнинг вазифаси мохиятнинг турли томонлари, жихатларини ўзида акс эттириш, мохиятнинг ҳолатлари “орқали босқичлар”ни таҳлил қилишдир.

⁴ Фалсафа қисқача изохли луғат. Т.2004й.

Фалсафий тафаккур ривож тарихида субстанцияга, икки хил ёндашувга дуч келамиз. Биринчидан, субстанция субстрат лотинча – субстратум- асос, негиздан фаркланмайди. Айрим фалсафий концепцияларда субстрат деб дунёни ташкил этувчи мутлоқ элементар ва бўлинмас асослар тушинилган. Масалан, Пефагорда сон-миқдор, Гераклитда-олов, Фалисда-сув, Анаксименда-хаво, Платонда –ғоялар-тимсоллар, айни бир вақтда ҳам субстрат, ҳам субстанция кўринишида намоён бўлади. Иккинчидан, Левкипп, Демокрит, Эпикур, Лукреций Кар ва Ибн Синода субстанция ва субстрат бир-биридан фаркланади. Ибн Сино моддий борликнинг негизи сифатида сув, хаво, олов ва тупрокни эътироф қилади. Ибн Синонинг таъкидлашича субстанция модда ва жисмнинг шакли ва бирлигидан иборатдир, моддасиз шакл, шаклсиз модда борликнинг моҳияти бўла олмайди,-деб таъкидлайди.

Р.Декартнинг дуализмига кўра, моддий субстанция ва рухий субстанция, параллел тарзда амал қилади. Уларнинг амал қилиш қонунлари бир – биридан мустақилдир.Улардан биронтаси иккинчиси устидан ҳукумронлик салтанатини ўрната олмайди, чунки уларнинг ҳар бири ўзигагина хос жабҳага эга, улардан ташқарида қонунларнинг таъсири чегараланади, - деб таъкидлайди. Шундай қилиб, фалсафий тафаккур тарихида субстанция муаммоси устида олиб борилган фалсафий баҳс мунозаралар, бирмунча самарали бўлиб, моддий ва улар рухий жараёнларни чуқурроқ ўрганиш, улар ўртасидаги тафовут ҳамда ўзаро бирликни ҳар томонлама таҳлил этишга ўз ҳиссасини қўшиб келди.

3-саволнинг баёни: Моддий оламнинг асосида ётуви умумий моҳиятини ахтариш фалсафада материя ҳақидаги тасаввурларнинг ривожланишига сабабчи бўлди. Материя (лот.materia-модда)⁵ «Моддий унсурга» нисбатан ҳам «атомларга» нисбатан ҳам кенгрок умумийроқ булиб борликнинг объектив реал шаклини ифодаловчи энг умумий тушунчадир.

Материянинг фалсафий ўрта муҳим жиҳати бор, булар:

1. Материя тушунчаси фалсафий категория эканлиги:
2. Бу категория объектив реалликни моддий воқеликни ифода этиши:
3. Материяни билиш мумкинлигини таъкидланишидир. Материянинг бу фалсафий тушунчаси материянинг муайян қуринишларини унинг тузилиши ва ҳоссаларини урганишда методологик аҳамият касб этади. Материяни инсон томонидан билиш унинг муайян хусусиятларини ўрганишдан бошланади.Бунинг учун эса атрофимизни ураб турган моддий объектларнинг тузилиши ва ҳоссаларини билишимиз керак бўлади

Моддий объектларнинг тузилиши. Бизни ҳилма ҳил қуринишдаги шаклдаги турли туман ҳоссалари моддий объектлар, ходисалар ўраб олган. Улар турли ҳил хусусиятларга эга ва турли тарзда тузилгандир.

Бир пайтлар барча жисмлар материянинг бўлинмас шакли–атомлардан ташкил топган , деган тасаввур ҳукмрон бўлган. Бугунги кунга келиб атомларнинг узлари ҳам мураккаб тузилганлиги тўғрисидаги илмий фаразлар ўз тасдиғини топди.

⁵ Фалсафа энциклопедик луғат.Тошкент -2010й.

Анорганик ва органик моддалар бир-биридан молекулаларининг тузилиши, узаро жойлашиши билан фарк қилади. Жонли организмлар эса мураккаб шаклдаги органик моддалардан ташкил топган бўлади. Жонсиз табиат ҳақида гапирилганда аввало коинотдаги алоқадорликлар назарда тутилади.

Агар материянинг модда кўринишидаги объектларни тузилиши жиҳатидан турларга ажратсак, материянинг куйидагича тузилиш даражалари ҳосил бўлади .

Материянинг структура даражалари. Биз теварак атрофимизга назар ташласак умуман материяга эмас, балки муайян жисмларга нарса ва ҳодисаларга кўзимиз тушади. Биз одатланган уловлар ва катталиклар макроскопик миқёсидадир. Бу миқёсига масштабга нисбатан ҳам катта, ҳам кичик миқёслар ҳам бордир. Шунингдек материянинг тузулиши сифат жиҳатидан ҳам узғариб ривожланиб такомиллашиб борган. Материянинг юқорида қайд этилган кўринишларидан бошқача кўринишдаги турлари ҳам бўлиши мумкин. Уларнинг табиати ҳали фанга маълум эмас. Материя тузилиш даражаларига кўра, **Микрадунё** - молекуладан кичик зарралар (масалан: атом, ядро, элементар зарра ва бошқалар) **Макрадунё** – молекуладан катта жисмлар (масалан: кум, тош, ер, сайёра, қуёш, ҳайвон, одам ва бошқалар) **Мегадунё** – ердан то коинот миқёсигача бўлган ўлчовдаги дунё. Бу учала дунё бир-бири билан боғлиқ, шунингдек, улар бир-бирига алмашилиши мумкин.

4-саволнинг баёни: Муайян жисмнинг айнан шу жисм эканлигини белгиловчи хусусиятлари унинг атрибутлари (наrsa ёки ҳодисанинг уларнинг тасодифий хусусиятларидан фаркли ўлароқ, энг муҳим туб белгиси, ҳоссаи) бўлади. Борлиқнинг ҳам бир қанча атрибутлари мавжуддир. Улар: ҳаракат, фазо, вақт, инъикос, онг ва бошқалар. Борлиқ ўзининг ҳоссалари, хусусиятлари орқали намоён бўлади..

Борлиқнинг атрибутлари ичида унинг асосий мавжудлик усулини ифода этувчи хусусияти ҳаракат ҳисобланади.. Чунки борлиқ ҳаракатсиз ўзининг структуравий яхлитлигини сақлай олмайди.

Буни моддий борлиқ мисолида қараб чиқайлик. Фараз қилинг, қаршимизда бирор жисм турибди. Агар ҳаракат бўлмаганида эди, ёруғлик нурлари шу жисмга урилиб бизга қайтмаган бўлар эди, яъни биз уни кўрмаган бўлар эдик. Шунингдек, бу жисмнинг яхлитлигини сақлаб турган молекулалар, атомлар, элементар заррачалар ўртасидаги ўзаро таъсирлар ҳам бўлмасди. Натижада бу жисмнинг структуравий бирлигига путур етган бўлар эди. Теварак атрофимиздаги предметлар ва ҳодисалар ҳаракат туфайли ўзининг муайян тартибини ва бирлигини сақлаб туради, шу туфайли, ўсиш, улғайиш, раvнақ топиш, ривожланиш мавжуддир.

Ҳаракат, бир томондан, моддий жисмлар ўртасидаги ва уларни ташкил этувчи элементлар ўртасидаги алоқадорликларнинг натижаси, бошқа томондан эса, улардаги ўзгаришлар сифатида содир бўлади. Шу нуқтаи назардан ҳам фалсафанинг ҳаракат — умуман ҳар қандай ўзгаришдир, дейилган таърифи жуда ўринлидир. Ҳаракатнинг манбаи ҳақида гап кетганда, ана шу ўзгаришларнинг асосида ётуvчи ўзаро таъсирлар ва улар орасидаги муносабатлар назарда тутилади.

Демак, ҳар қандай ҳаракатнинг манбаи шу системадаги ички ўзаро таъсирлар экан, ҳар қандай жисмнинг мавжудлигини, энг аввало, унинг ички алоқадорликлари таъминлайди.

Ҳаракатнинг турлари ҳақидаги мулоҳаза, асосан, ўзгаришларнинг хусусиятига асосланган. Ўзгаришлар оддий фазовий силжишдан тортиб, мураккаб ижтимоий ўзгаришларгача такомиллашиб борган. Шу туфайли ҳаракатга фақатгина фазовий силжиш, деб қарамаслик лозим. Бундай қараш оламдаги барча жараёнларга механик ҳаракат нуқтаи назаридан ёндашишни вужудга келтиради. Аслида оламда ўзгаришнинг хилма-хил кўринишлари мавжуд бўлиб, улар бир-биридан сифатий фарқ қилади.

Механик, химиявий, биологик, физик ўзгаришлар билан ижтимоий ўзгаришларни асло таққослаб бўлмайди. Тўғри, бу ўзгаришлар учун умумий бўлган фазовий силжишлар ҳаракат шакллариининг ҳаммасида ҳам у ёки бу кўринишда намоён бўлиши мумкин. Лекин ҳамма ўзгаришни ҳам фақатгина фазовий силжишдан иборат, деб бўлмайди. Масалан, Ернинг қуёш атрофидаги, Ойнинг ер атрофидаги ҳаракатини фазовий силжишнинг яққол кўриниши дейишимиз мумкин. Лекин ер бағрида рўй бераётган мураккаб геологик жараёнларни, ер сиртидаги биосферанинг яшаш усулини биргина механик силжиш билан изоҳлаб бўлмайди. Ҳаракатнинг шакли қанчалик мураккаб бўлса, у билан боғлиқ бўлган ўзгаришлар ҳам шу қадар мураккаб бўлади.

Ўзгаришларнинг шундай бир шакли борки, уни фалсафада ривожланиш деб аталади. Ривожланиш — муайян системанинг муайян вақт ва фазодаги яхлит. комплекс, орқага қайтмайдиган, илгариланма йўналишга эга бўлган, миқдорий ва сифатий ўзгаришидир.

Шу жиҳатдан ҳаракатнинг икки хил тури бир-биридан фарқ қилинади. Ҳаракатнинг биринчи тури жисмда унинг сифати ва турғунлигини сақлаган ҳолда рўй берадиган ички ўзгаришларни ўз ичига олади. Яъни, ҳар қандай жисмда бетухтов ички ўзгаришлар рўй бериб туради, лекин бу ўзгаришлар шу жисмнинг ташқи сифатига жиддий таъсир кўрсатмайди.

Атрофимизни қуршаб турган ҳар бир жисм молекулалардан, молекулалар эса атомлар ва элементар заррачалардан ташкил топган экан, бу жисмларнинг молекуляр ва атом тузилиш даражасида ҳам бетухтов ўзгаришлар рўй бериб туради. Шунингдек, ҳар бир жисм ўзининг атрофидаги бошқа жисмларнинг ва улардан тарқалаётган нурланишларнинг таъсирига ҳам учраб туради. Бундай ташқи таъсирларни ўзида инъикос эттириш жараёнида рўй берадиган ўзгаришлар ҳам бу жисмнинг сифатий ўзгариб кетишига олиб келмаслиги, унинг турғунлиги ва асосии сифати сақланиб қолиши мумкинлиги ҳақида хулоса чиқариш мумкин.

Биз юқорида қайд этган ички ва ташқи таъсирлар оқибатида рўй берувчи ўзгаришлар аста-секин тўпланиб, кейинчалик жисмда кескин сифатий ўзгаришнинг вужудга келишига ҳам сабаб бўлиши мумкин. Мана шундай ўзгариш, яъни жисмнинг сифатини ўзгартирувчи ҳаракат иккинчи турдаги ҳаракатга киради ва у ривожланиш деб аталади.

Ривожланиш жараёни ҳам икки турда бўлади. Биринчи турдаги ривожланиш бўйича, жисмда ҳар қандай сифатий ўзгариш рўй беришига қарамасдан, уни ташкил этган материянинг сифатий тузилиш даражаси ўзгармасдан қолаверади.

Масалан, нотирик табиатга мансуб бўлган Қуёшдаги равожланишни олиб қарайлик. Олимларнинг тахминларига кўра, ҳозир сиртида 6 минг, ичида эса бир неча миллион даражали

хароратга эга бўлган Куёш бориб-бориб совийди ва қизил гигантга айланади, яъни Куёшнинг марказидаги термоядро энергияси сўнгач, ички зичлиги пасаяди ва марказдаги тортишиш куввати сусаяди. Оқибатда Куёш шиша бошлайди ва ер орбитасини ҳам ўз ичига олган улкан қизил юлдуз вужудга келади, у аста-секин совиб, қизил карликка, сўнгра эса "қора карликка", кейин бўлса нейтрон юлдузга айланади. Бундай ўзгаришлар натижасида борлиқнинг ташкилий структура даражаси ўзгармайди, яъни жонсиз табиат шаклидаги даражаси сақланади.

Жонли табиатнинг вужудга келиши, ўсимликлар ва ҳайвонот оламининг пайдо бўлиши, одамнинг шаклланиши, жамиятнинг вужудга келиши сингари сифатий ўзгаришлар эса ривожланишнинг иккинчи турига киради.

Фалсафа фанида ҳаракатнинг бир-биридан сифатий фарқ қилувчи бир қанча бошқа шакллари ҳам ўрганилади.

Материалист бўлган файласуфлар ҳаракат шаклларини туркумлаганида қўйидаги мулохазаларга таяниб иш юритадилар:

1) ҳаракат шакллари бир-бирлари билан сифат жиҳатидан фарқ қилиб, уларнинг ҳар бири материянинг ташкилий тузилиши даражаларининг муайян босқичида намоён бўлади;

2) материянинг ҳаракат шакллари бир-бири билан генетик жиҳатидан, келиб чиқиши жиҳатидан кетма-кет боғланган, яъни ҳаракатнинг мураккаброқ шакллари унинг нисбатан соддароқ шакллари билан келиб чиққандир;

3) ҳаракатнинг юқори шакллари таркибидаги қуйи шакллари унинг юқори шакллари ҳам мансубдир, аммо ҳаракатнинг юқори шакли ўздан қуйи шаклдаги ҳаракатга мансуб эмасдир. Шу мулохазаларга таянган ҳолда ҳаракатнинг бешта шаклини ажратиш олиш мумкин. Улар — механик, физик, химиявий, биологик ва ижтимоий ҳаракатлардир.

Фалсафада ҳаракат шаклларини туркумлашнинг бир қанча бошқа кўринишлари ҳам бор. Айрим олимлар ҳаракат шаклларини ҳар бир фаннинг номи билан боғлаш керак, деб ҳисоблашади. Бундай қарашнинг ҳатолиги шундаки, фанларнинг кўпчилиги ҳаракат шаклини эмас, балки миқдорий муносабатлар ва ҳолатларни акс эттиради. Масалан, геодезия ёки геометрия, тригонометрия ёки топография, чизиқли алгебра қандай ҳаракат шаклини ўрганади? Кибернетика эса ҳам табиатда, ҳам жамиятда амал қилувчи бошқариш жараёнларини ўрганади, яъни бу фан битта эмас, балки бир қанча ҳаракат шакллари билан қамраб олади.

Ҳаракат шакллари турлаш бўйича қуйидаги табиий-илмий концепция ҳам диққатга сазовордир. Мазкур концепция бўйича ҳаракат шакллари қуйидагича турланади: физик ҳаракат (элементар заррачалар, майдон ва атомларнинг ҳаракати), химиявий ҳаракат (атомлар ва молекулаларнинг ҳаракати) ва бунда ҳаракатнинг ривожланиши икки йўналишга ажралади: 1) ҳаракат ривожланишининг юқори йўналишида биологик ҳаракат шаклланади; 2) ҳаракат ривожланишининг қуйи йўналишида эса геологик ҳаракат шаклланади, биологик ҳаракатнинг тараққиёти ижтимоий ҳаракатга олиб боради.

Яна бир бошқа концепцияда эса ҳаракат борлиқнинг ташкилий тузилиш даражаларига мос равишда турланган. Бу концепцияда ҳаракат шакллари учта синфга ажратилади: нотирик табиатда — элементар заррачалар ва майдон ҳаракати, тирик табиатда — ҳаётнинг намоён бўлиши, жамиятда — одамнинг фаолияти.

Ижтимоий ҳаракат бизга маълум бўлган ҳаракат шакллари ичида энг мураккаби бўлиб, унда инсоннинг онгли фаолияти, инсон тафаккури, ижтимоий гуруҳларнинг фаолияти, ўзаро муносабатлари, жамият миқёсидаги ижтимоий фикр биргаликда ҳаракатга келади. Бу ҳаракатни чизиқли, батартиб ҳаракатлар билан мутлақо таққослаб бўлмайди. Унинг келажагини башорат қилиш ҳам ўта мураккабдир.

Борлиқнинг асосий яшаш шаклларига фазо ва вақт киради. Фазо нарсаларнинг кўламини, ҳажмини, ўзаро жойлашиш тартибини, узлукли ёки узлуксизлигини ифодаласа, вақт ҳодисаларнинг кетма-кетлиги, жараёнларнинг давомийлигини ифодалайди.

Маълумки, ҳар қандай моддий жисм жойга, кўламга, ҳажмга эга. **Фазо** — вақтнинг муайян лаҳзасида оламни ташкил этган нуқталарнинг ўзаро жойлашиш тартибини акс эттирса, **вақт** эса фазонинг муайян нуктасида рўй берувчи ҳодисалар кетма-кетлиги тартибини ифодалайди.

Фазо ва вақт тушунчалари, кўп ҳолларда, форсий тил таъсирида ёзилган адабиётларда макон ва замон деб ҳам аталади. Бу тушунчалар фазо ва вақтнинг ташқи, нисбий хусусиятларинигина акс эттиради, холос. Фазо нарсалар жойлашадиган жой маъносида, вақт эса ҳодисалар бўлиб ўтадиган муддат маъносида ишлатилади.

Фазо ва вақтни тушуниш бўйича субстанциал ва реляцион ёндашишлар мавжуд. Субстанциал концепция тарафдорлари фазони нарсалар жойлашадиган идиш, бўшлиқ деб билишади. Уларнинг фикрича, ҳамма нарса фазо ичига жойлаштирилган. Фазо ўзига нарсаларни сиғдирувчи субстанция. Ҳеч нарсаси йўқ, яъни нарсалар солинмаган фазо ҳам бўлиши мумкин, дейилади.

Ҳеч нарсасиз фазонинг бўлиши мумкин эмас. Бу фарқни релятивистик физика асосчиси Алберт Эйнштейн шундай тушунтирган эди. Фараз қилиб, бир казарма солдатларни кўз олдингизга келтиринг. Нютон физикасига кўра, солдатлар чиқиб кетиши билан казарма бўш қолади, ана шу субстанциал концепциядаги фазодир. Янги физикага кўра, солдатлар чиқиб кетиши билан казарма ҳам йўқолади. Бу реляцион концепциядаги фазодир.

Фазо ва вақт борлиқ миқдорий ва сифатий жиҳатларни ифодалашига қараб, метрик ва топологик хусусиятларга эга. Фазо ва вақтнинг метрик хусусиятлари борлиқнинг миқдорий муносабатларини акс эттириб, ўлчанадиган, кўзга ташланадиган ва нисбий табиатли хусусиятларидир. Уларга кўлам, бир жинслилик, изотропик (анизотропик) каби хусусиятлар киради. Фазо ва вақтнинг топологик хусусиятлари эса борлиқнинг туб сифатий жиҳатларини ифодалайди. Бундай хусусиятларга ўзлуксизлик, боғланганлик, ўлчамлилик, компактлик, тартибланганлик сингари хусусиятлар киради. Вақтнинг топологик хусусиятларига орқага қайтмаслик, бир ўлчамлилик каби хусусиятлар кўшилади.

Фазо (вақт) нинг метрик ўзгаришлари борлиқ структурасини жиддий ўзгартира олмайди, топологик ўзгаришлар эса борлиқнинг сифатий ўзгаришига сабабчи бўлади. Масалан, бир боғланган системанинг кўп боғланган системага ўтиши фазо топологиясини тубдан ўзгартиради, яъни фазонинг икки нуктасини туташтирувчи турлича йўллар пайдо бўлади. Бундай фазода катта идишнинг ичига кичик идишни сиғдириш мумкин бўлади. Ўлчам даражаси кўп бўлган система ўлчов даражаси кам бўлган системага нисбатан кўринмас ва мураккаб бўлади. Шунингдек, фазо ва вақтнинг метрик хусусиятлари кучли ўзгариши топологик хусусиятларининг ўзгаришига олиб келиши мумкин. Масалан, фазонинг эгрилик даражаси кучли ўзгарса, бир боғланган фазо кўп боғланган фазога айланиши мумкин.

Муҳокама учун саволлар?

1. Онтология тушунчасига таъриф беринг?
2. Борлиқ деганда нимани тушунаси?
3. Борлиқ ва йўқлик деганда нимани тушунаси?
4. Борлиқнинг турларини санаб беринг?
5. Борлиқнинг атрибутларига нималар киради?
6. Субстанция ва субстрат тушунчаларига изох келтиринг?
7. Субстанция сўзининг лўғавий маъноси?
8. Материя тушунчасига таъриф беринг?
9. Материянинг шакллари деганда нимани тушунаси?
10. Макро, микро, мега дунёларни фарқлаб беринг?
11. Харакат тушунчасига изох келтиринг?
12. Харакат типлари ҳақида нималарни биласиз?
13. Харақтнинг шакллари мисоллар келтиринг?
14. Харақатнинг абадийлиги ҳақида сизнинг фикрингиз?
15. Фазо ва вақтнинг намоён бўлиш хусусиятлари деганда нимани тушунаси?

Мустақил иш мавзулари:

- 1) Борлиқнинг фалсафий талқини.
- 2) Борлиқнинг шакллари.
- 3) Моддий борлиқ ва унинг структуравий даражалари.
- 4) Борлиқнинг асосий соҳалари.
- 5) Борлиқ, мавжудлик ва реаллик.
- 6) Абу Наср Фаробийнинг борлиқ ҳақидаги қарашлари.
- 7) Берунийнинг борлиқ ҳақидаги қарашлари.
- 8) Ибн Синининг борлиқ ҳақидаги қарашлари.
- 9) Фалсафада субстанция тушунчаси.
- 10) Ўрта аср Шарқ фалсафаси намоёндаларининг субстанция масаласига оид қарашлари.
- 11) Материянинг фалсафий талқини.
- 12) Материянинг тузилиш даражалари.
- 13) Материя тўғрисидаги фалсафий таълимотлар.
- 14) Фалсафада ҳаракат тушунчаси.
- 15) Фазо ва вақт борлиқнинг тузилиши сифатида.

Изохли атамалар руйхати:

АТРИБУТ – (лот. Attribuo – бағишлайман) нарса ёки ходисанинг уларнинг тасодифий хусусиятларидан фарқли улароқ, энг мухим туб белгиси, хоссаси.

АБСТРАКТЛИК – (лот.abstractio – мавхумлик) тафаккурнинг асосий методларидан бири.

ОНТОЛОГИЯ – (юн.ontos – борлиқ ва logos –сўз,таълимот) – фалсафанинг мухим таркибий қисми, борлиқ ҳақидаги таълимот.

СУБСТАНЦИЯ - (лот.substantia- мохият) – нарса ва ходисаларнинг мохиятини, асосини ифодаловчи тушунча.

ДИАЛЕКТИКА - (юн.dialektike – суҳбат олиб бориш, баҳслашиш санъати) – борлиқнинг вужудга келиши, унинг тараққиёти ҳақидаги фалсафий таълимот ҳамда воқеликни билиш ва унга асосланган тафаккур услуги.

МАТЕРИАЛИЗМ - (лот. materialis – моддий) фалсафадаги асосий оқимлардан бири; моддий, табиий, жисмоний оламнинг объектив равишда, яъни унинг ирода, рух онга боғлиқ бўлмаган холда мавжудлигини ва уларга нисбатан бирламчилигини таъкидлашга асосланган фалсафий таълимот.

МАТЕРИЯ - (лот.materia-модда)- борлиқнинг моддий шаклини ифодаловчи умумий тушунча. “Оламда умуман одам” бўлмаганидек “умуман материя ҳам бўлмайди”, балки материянинг айрим кўринишлари учрайди. Шу тарзда фикр юритган файласуфлар барча моддий объектларга хос хусусиятларни умумлаштириб ифодалаш учун материя тушунчасини қўллашган.

КАТЕГОРИЯ- (юн.kantgoria – мулохаза, фикр, белги) воқеликдаги ходиса ва билишнинг мухим, умумий хусусият ҳамда муносабатларини акс эттирувчи энг умумий ва асосий тушунча.

ФАЗО ВА ВАҚТ –макон ва замон, борлиқнинг умумий яшаш шакллари;

ФАЗО дунёни ташкил этувчи объектлар ва улардаги таркибий нукталарнинг ўзаро жойлашиш тартиби,кўлами ва миқёсини ифода этса, **ВАҚТ** дунёда содир бўлувчи ходиса ва жараёнларнинг кетма-кет рўй бериши ва даомийлигини ифодалайди.

КЛАСТЕР МЕТОДИ:

Кластер (ғунча, боғлам) методи педагогик, дидактик стратегиянинг муайян шакли бўлиб, у талабаларга ихтиёрий муаммо (мавзу)лар хусусида эркин, очик ўйлаш ва шахсий фикрларни бемалол баён этиш учун шароит яратишга ёрдам беради. Мазкур метод турли хил ғоялар ўртасидаги алоқалар тўғрисида фикрлаш имконини берувчи тузилмани аниқлашни талаб этади.


Кластер методидан фойдаланиш инсон мия фаолиятининг ишлаш тамойили билан боғлиқ равишда амалга ошади. Ушбу метод муайян мавзунинг талабалар томонидан чуқур ҳамда пухта ўзлаштирилгунига қадар фикрлаш фаолиятининг бир маромда бўлишини таъминлашга хизмат қилади.

Метод гуруҳ асосида ташкил этилаётган машғулотларда талабалар томонидан билдирилаётган ғояларнинг мажмуи тарзида намоён бўлади. Бу эса илгари сурилган ғояларни умумлаштириш ва улар ўртасидаги алоқаларни топиш имкониятини яратади.

Кластер методидан фойдаланишда қуйидаги шартларга риоя қилиш талаб этилади:



КЛАСТЕР



АҚЛИЙ ҲУЖУМ МЕТОДИ:

Мазкур метод муайян мавзу юзасидан берилган муаммоларни ҳал этишда кенг қўлланиладиган метод саналиб, у машғулот иштирокчиларини муаммо хусусида кенг ва ҳар томонлама фикр юритиш ҳамда ўз тасаввурлари ва ғояларидан ижобий фойдаланиш борасида маълум кўникма ҳамда малакаларини ҳосил қилишга рағбатлантиради. Бу метод ёрдамида ташкил этилган машғулотлар жараёнида ихтиёрий муаммолар юзасидан бир неча оригинал ечимларни топиш имконияти туғилади. Ақлий ҳужум методи танлаб олинган мавзулар доирасида маълум кадриятларни аниқлаш ва уларга муқобил бўлган ғояларни танлаш учун шароит яратади. Дарс жараёнида ақлий ҳужум методидан фойдаланишда қуйидаги қоидаларга амал қилиш талаб этилади:

1. Талабаларни муаммо доирасида кенг фикр юритишга ундаш, уларни мантикий фикр билдиришларига эришиш.
2. Ҳар бир талаба томонидан билдирилаётган фикрлар рағбатлантирилиб борилади. Билдирилган фикрлар орасидан энг мақбуллари танлаб олинади. Фикрларнинг рағбатлантирилиши навбатдаги янги фикрларни туғилишига олиб келади.
3. Ҳар бир талаба ўзининг шахсий фикрларига асосланиши ва уларни ўзгартириши мумкин. Аввал билдирилган фикрларни умумлаштириш,

туркумлаштириш ёки уларни ўзгартириш илмий асосланган фикрларнинг шаклланишига замин ҳозирлайди.

4. Машғулот жараёнида талабалар фаолиятини стандарт талаблар асосида назорат қилиш, улар томонидан билдирилаётган фикрларни баҳолашга йўл қўйилмайди. Уларнинг фикрлари баҳоланиб борилса, талабалар диққатларини шахсий фикрларини ҳимоя қилишга қаратадилар, оқибатда янги фикрлар илгари сурилмайди. Методни қўзлашдан асосий мақсад – талабаларни муаммо бўйича кенг фикр юритишга ундаш эканлигини ёдда тутган ҳолда, уларнинг фаолиятини баҳолаб боришдан воз кечиш мақсадга мувофиқдир.


ҚАРОРЛАР ШАЖАРАСИ МЕТОДИ:

(Қарор қабул қилиш технологияси) методи

“Қарорлар шажараси” методи муайян фан асослари борасидаги бир қатор мураккаб мавзуларни ўзлаштириш, маълум масалаларни ҳар томонлама, пухта таҳлил этиш асосида улар юзасидан муайян хулосаларга келиш, бир муаммо хусусида билдирилаётган бир неча хулосалар орасидан энг мақбул ҳамда тўғриси топишга йўналтирилган техник ёндашувдир.

Гуруҳ ёки талабалари иштирокида қўлланиладиган “Қарорлар шажараси” бир неча ўн нафар талабаларнинг билимлари даражасини аниқлаш, уларнинг фикрларини жамлаш ва баҳолаш имконини беради.

Машғулот жараёнида талабалар қуйидаги чизма асосида тузилган жадвални тўлдирадилар:



“ҚАРАМА – ҚАРШИ МУНОСАБАТ” МЕТОДИ:

Метод ўз моҳиятига кўра ўзлаштирилган билимларни таҳлил ва синтез қилиш асосида асосий ҳамда иккинчи даражали маълумотлар сифатида гуруҳларга ажратиш имконини беради. Методни қўллашда қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

Мавзунинг умумий мазмуни ёдга олиниб, унинг аҳамиятини ёритувчи таянч тушунчалар аниқланади; улар муаян кетма-кетликда қайд этилади; тушунчалар шахсий ёндашув асосида муҳим ва у қадар муҳим бўлмаган тушунчалар тарзида гуруҳланади; жадвал яратилиб унинг 1-устунига муҳим бўлган, 2-устунга муҳим бўлмаган тушунчалар ёзилади; кичик гуруҳлар асосида шахсий ёндашувлар муҳокама қилинади; жамоанинг умумий фикрига кўра якуний хулосани ифода этувчи жадвал яратилади.

Талабалар фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш учун уларнинг эътиборларига қуйидаги жадвалларни тақдим этиш мақсадга мувофиқдир.

1. Якка тартибда ишлаш жараёнида фойдаланиш учун:

Мавзунинг аҳамияти			
№	Муҳим тушунчалар	№	Муҳим бўлмаган тушунчалар
1		1	
2		2	
3		3	
.....			

2. Жамоа асосида ишлаш жараёни учун:

Мавзунинг аҳамияти			
№	Жамиятнинг ижтимоий (иқтисодий, маданий) ҳаётидаги роли	№	Шахсий ҳаётидаги роли
1		1	
2		2	
3		3	
.....			

“ҚОРА ҚУТИ” МЕТОДИ:

Таълим жараёнида мазкур методни қўллашдан мақсад – талабалар томонидан мавзунинг пухта ўзлаштиришдан эришиш билан бирга уларни фаолиятга ундаш, улар билан ҳамкорликда ишлаш, маълум вазиятларни бошқариш ҳамда мантикий тафаккур юрутиш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. методдан фойдаланишга куйидаги ҳаракатлар ташкил этилади:

Талабалар жуфтликка бирикадилар; жуфтликларга мавзу моҳиятини ёритувчи асосий тушунчалар (таянч сўзлар, саналар, рақамлар, белгилар ва ҳ.к)ни карточкаларга қайд этиш вазифаси юкланади; ўқитувчи талабалар билан ҳамкорликда гуруҳлар томонидан топшириқнинг бажарилишини текширадилар; топшириқни бажарган гуруҳнинг бир аъзоси ўқитувчи ролини бажаради ва топшириқнинг ечимини ёзув тахтачага ёзади; гуруҳ талабалари ёзув тахтасида қайд этилган фикрни шархлайдилар (таянч сўзлар, саналар, рақамлар, белгилар қандай маънони англатишини айтадилар); тўғри жавоб берган талаба ўқитувчи ролини бажариб, талабаларга мавзу моҳиятини ёритувчи схема, жаadwal ёки тасвир яратишини топширади ва ўқитувчи ёрдамида топшириқларни бажарилишини текширади.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: 2011 й.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч.Т.“Маънавият”2008йил
3. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Тошкент.2010й.
4. Каримов И.А.Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. Тошкент.2012й.
5. Фалсафа укув кулланма .Э.Юсупов тахрири остида..Т.: 1999й.
6. Фалсафа. Маърузаралар матни. Т.: 2000 й.
7. Гуннарк.Скирбек. Фалсафа тарихи. Т. 2001 й.
8. Эргашев И., С Ҳарипов Б., Жакбаров Н. Жамиятни эркинлаштириш ва маънавият. Тошкент, «Академия», 2002 й.
9. Отамуратов С. Ўзбекистонда маънавий-руҳий тикланиш. Т., «Янги аср авлоди». 2003 й.
- 10.Қадимги ва ўрта аср Ғарбий Европа фалсафаси. Т.: «Шарқ» 2003 й.
- 11.Фалсафа қисқача изоҳли луғат.Тошкент.2004й.
- 12.Миллий истиқлол ғояси. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим бакалавриат босқичи учун дарслик. Т., «Академия» нашриёти. 2005 й.
- 13.“Фалсафа” Ўқув қўлланма.Тошкент-2005й.
- 14.Фалсафа асослари. Т.: 2005 й.
- 15.Шермухамедова Н. Фалсафа ва фан методологияси. Т.: 2005 й.
16. “Фалсафа” М.Ахмедова. Тошкент – 2006й.
- 17.Мамашокиров С,Ш Тоғаев.Эркин ва фаровон ҳаёт қуришнинг ғоявий – мафкуравий масалалари.2007й.
18. Фалсафа энциклопедик луғат. Тошкент – 2010й.
- 19.Шахс мураса фалсафаси.Ш.Хаитов.Тошкент.Фалсафа ва ҳуқуқ,2010й
- 20.Шермухамедова Н. Гносеология – Билиш назарияси. Т.: 2011 й

